O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 ТАҚДИМНОМА ТАКЛИФНОМА ЭМАС
3 ТАРБИЯ ВА БУРЧ
ҚИСМАТ ЎЙИНИ
4 ЮРАК ОЙНАСИДАГИ ДАРЗ

MEZON:

Фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотларни қайд этиб қўяди.

Фермер хўжалигини ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ҳамда рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 30 (386)
2004 йил
3 АВГУСТ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ЎЗ ЮРТИНГНИ ЎЗИНГ АСРА — КУНДАЛИК ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР



Шу йилнинг 30 июл куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бир неча нафар юртдошимизни орамиздан олиб кетди. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан Оқсаройда ўтказилган ҳукумат комиссияси йиғилишида юз берган фожиа натижасида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ва азият чекканларга ўз ҳамдардлигини билдириб, биринчи галда уларга моддий ва маънавий кўмаклашиш масаласини ҳал этишимиз даркорлигини таъкидлади.

Бугунги кунда курраи заминнинг турли жойларида қанчаданқанча бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлиб, барча эзгу ниятли инсонлар қалбида қаҳр ва нафрат туйғуларини уйғотаётган террорчи кучлар тобора ваҳшийлашиб бормоқда. Ўзининг разил ва қонли башарасини янада очиқ намойиш қилмоқда. Куни кеча ана шундай қабиҳ кучлар, ёвуз террорчилар халқимизнинг тинчосуда ҳаётига тажовуз килди.

Илгари содир этилган террорчиликлар ва қўпорувчилик ҳаракатларини текшириб шундай хулосага келинмоқдаки, бу мудҳиш хатти-ҳаракатлардан кўзланган мақсад — эл-юртимиз тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрагига ғулғула, ваҳима солишдан иборатдир. Тергов хулосалари амалга оширилган бу террорчилик хуружларига бир неча ой давомида ҳар томонлама тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов куни кеча Тошкентда содир этилган мудҳиш воқеалардан кўзланган мақсад ҳақида тўхталиб, разил кимсалар бу каби қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш орқали ҳамон ўз чиркин ниятларидан қайтмаганини ва ҳали бизнинг кучимиз бор, деган қарашларини намойиш этмоқчи, — деди. Инчунин, ёвуз ниятли кимсалар динни ўз чиркин мақсадлари йўлида ниқоб қилиб, ҳокимият ва мол-дунёга эришиш йўлида ҳар қандай разилликлардан қайтмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Турлича номланган ёвуз кучлар халифалик барпо этиш каби сохта ақидаларни одамлар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш орқали ўз манфур ниятларига етишишни кўзламоқда. Дунё ахборот-технологиялари замонида яшаб, тараққиётнинг янги-янги марраларини забт этаётган XXI асрда ҳуқуқий-демократик давлат куриш сари интилаётган мамлакат халқини тараққиётдан ўзиб, ўрта асрларга хос расм-русум ва анъаналар асосида ҳаёт кечиришга мажбурлаб бўлармикан? "Толибон" ҳаракати зулми ва зўравонлигидан чарчаган афғон халқи эмин-эркин ҳаётни ғоят шоду-хуррам кутиб олганига гувоҳ бўлдик-ку!..

Бу сохта ва ёвуз ғоя тарафдорларининг ҳаракатлари йўлида қўллаётган восита ва усуллари инсоний туйғу ҳамда қадриятларга бегона бўлиб, бу ҳам уларнинг асл қиёфасини фош этади. Улар ислом динини тарғиб қилиш эмас, балки ундан разил ва тубан мақсадларига эришиш учун фойдаланмоқда. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мабодо, бу ёвуз кимсалар кучга тўлгудек бўлса, ана шунда асл башарасини кўрсата бошлайди. Аммо унда кеч бўлади...

Дарҳақиқат, Тошкентнинг уч жойида содир этилган қўпорувчиликлар бу разил кимсалар қанчалик ваҳшийлашиб кетганини яққол кўрсатди: террорчи-қотиллар хизмат вазифасини ўтаётган уч юртдошимизнинг ҳаётига зомин бўлди. Ахир, бола-чақа ва оиласи ташвиши билан андармон бу юртдошларимизнинг гуноҳи нима эди? Улар ҳам яшашга ҳақли эди-ку? Уларнинг етим қолган фарзандлари онасидан отам қани деб сўраса, муштипар она қоракўзларига қандай жавоб беради?!.

Шу каби саволлар мияда чарх ураётган бир дамда ўзини инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари деб атаётган баъзи кимсаларнинг ана шу қонхўрликларни кўра-била туриб, қотилларнинг ёнини олаётгани кишини чексиз таажжубга солади. Инсон ҳаётини қадрламаганларнинг қилмишларини хаспўшлаш — бу ақли расо ва беғараз одамларнинг иши эмас. Хўп, бу "жонкуярлар" сари ҳам борайлик. Ахир, кимнидир яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш орқали эришилган эрк кимга татиди? Ана шу инсон ҳуқуқи «фидойилари»нинг ўзлари халифалик давлатида бир кун яшашга рози бўлармикан? Бу саволларга жавобан йўқ, улар ўзларига буни раво кўрмайди, деб ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин.

Кўпчиликни бир савол қизиқтириши табиий: нега айнан Ўзбекистон террор нишони бўлмоқда? Ушбу саволни бу тарзда кўндаланг қўяётганимиз бежиз эмас. Чунки бу ёвузликларни турлича талқин қилиб, ғаламисона гап-сўзлар тарқатиш ҳоллари ҳам учраши эҳтимоли йўқ эмас.

Ўзбекистон танланишига биринчи сабаб шуки, юртимиз Марказий Осиёнинг энг кўп мусулмонлар яшайдиган мамлакати экани билан боғлиқ. Бинобарин, бу ерда нотинчлик яратиш бутун минтақага таҳлика солиш билан баробар. Қолаверса, ҳукуматимизнинг террорчилик, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши муросасиз кураш йўлини танлагани ҳам халифалик қуришни хаёл суриб юрганларга ёқмайди, албатта.

Хўш, терроризм халқимизга такрор ва такрор хуруж қилаётган экан, бу балонинг олдини олиш учун нима килмоқ керак?

Вазият шу қадар мураккабки, халқаро террорчи кучлар бошлан таъминлаётган манбалар, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва марказлар – "разиллик инкубаторлари" бартараф этилмас экан, бу манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мушкул.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда фикр билдирар экан, нафақат ўз уйимизни, шу билан бирга ўз юртимизни ҳам ўзимиз асрашимиз кундалик ҳаракатга айланиши даркор, дея таъкидлади.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва ўз юрти тинчлиги ҳамда осойишталигини ўз куч-кудратига таяниб ҳимоя қилган, бундан кейин ҳам худди шундай бўлади. Бу ишда елкама-елка турсак бас, бундай кучлар бизни ҳеч қачон қўрқитолмайди, енголмайди.

Сўнгсўз ўринда таъкидламоқчимизки, ҳеч бир макон ва замонда мустақилликка осонлик билан эришилмагани сингари уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳам енгил кечмаган. Бас, шундай экан, ўткинчи муаммоларни рўкач қилиб, қийинчиликларни бўрттириб жар солаётган, юртимизда таҳликали вазият ва парокандаликни вужудга келтиришга уринаётганларни орамиздан сиқиб чиқаришдек умум ишдан ҳеч биримиз четда турмайлик.

Мадамин САФАРОВ,
шарҳловчи

Bugunning gapi

ҲАММАСИ ТИНЧЛИККА БОҒЛИҚ

Дунёнинг турли жойларида терроризм деган ёвуз куч бош кўтариб, одамлар тинчлигига хавф солмоқда. Бундай қабиҳлик мамлакатимизда ҳам содир этилди. Хўш бундай ёвузликка қўл урганлар ким ва уларнинг мақсадлари нима? Бу қабиҳ ниятли калтабинлар бегуноҳ одамларга хавф-хатар уруғини сочиб нимага эришмоқчи?

Бу саволга жавоб топишдан олдин кўнглимдаги бир гапни айтмоқчиман: мустақилликка эришиб, халқимизнинг эркин яшаш ва ишлашига кенг имкон юзага келди.

Мен ҳам ана шу имкониятдан фойдаланиб фермер хўжалиги ташкил этдим. Фермер хўжалиги фаолияти айрим кишилар ўйлагандек осон юмуш эмас. Қўл қовуштириб ўтирсанг, ташвишларингни биров келиб ҳал қилиб бермайди. Фермер хўжалигимизга 2002 йилнинг бошида 71,6 гектар ер майдони ажратиб берилганди. Ўшанда ширкат хўжалигидан "МТЗ-80" русумли тракторни қарзга олгандик. Биринчи йилнинг ўзидаёқ қарздан қутулдик. Бундан ташқари, хўжалигимиз аъзолари ишлаб топган маблағ ҳисобидан "Нива" русумли ғалла уриш комбайни сотиб олдик. Ўтган йили эса "Т-150" русумли ҳайдов тракторли бўлдик. Комбайн ҳам, ҳайдов трактори ҳам ўзингда бўлгандан кейин қўлинг узун бўлар экан. Ўзимиздан ортганда бошқа фермер хўжаликлари билан шартнома асосида иш бажариб, банкдаги ҳисоб рақамимизга пул тушираяпмиз.

Ҳозирги пайтда 41,6 гектар майдондаги ғўзаларимиз туманнинг олди. Яқинда далаларимизни кўздан кечирган мутахассислар ғўзалардаги ҳосил нишоналарини кўриб, шундай баҳо беришди. Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳар бирига ишлаш учун 1,55 гектардан ер майдони тўғри келади. Битта аъзога ер майдони шунча ҳажмда бўлса, унга тўланадиган иш ҳақи битта оилани боқиш, кийинтириш ва бошқа харажатларга бемалол етади.

Ўтган йили фермер хўжалигимиз 121 тонна пахта, 108 тонна ғалла етиштирди. Ғалланинг 71 тоннасини шартнома бўйича давлат омборига етказиб бердик. Бундан яхшигина фойда кўрдик. Бу йил 30 гектар ғалла майдонидан 111 тонна ҳосил олдик. Унинг 64 тоннасини давлатга топширдик. Қолганини энди эҳтиёжимизга ишлатамиз.

Битта фермер хўжалигининг ишлашга ери, фойдаланишга чопиқ ва ҳайдов трактори, ғалла ўриш комбайни, банкдаги ҳисоб рақамида миллион-миллион маблағи бўлса, унга яна нима керак? Мамлакатимизда биздан бир неча баравар бақувват фермер хўжаликлари ҳам дейсизми?!.

Қишлоғимиздаги болалар боғчаси ва 36-умумий ўрта таълим мактабини таъмирлаш ишларига кўмаклашяпмиз. Ушбу муассасаларда болаларимиз таълим-тарбия олишади. Болалар эса келажагимиз эгаларидир. Ушбу ютуқларнинг сири нима деб сўрасангиз, жавоби битта, яхши ният. Яхши ният билан ҳаракат қилган киши, албатта, муродига етади.

Энди бояги саволларга жавоб бермасам, терроризм эркинлигимиз ва муваффақиятларимиз душмани. Азал-азалдан дунё қарама-қаршилик асосига қурилган. Эзгулик билан ёвузлик, одиллик билан адолатсизлик, оқ билан қора қарама-қарши бўлган. Лекин ҳамиша эзгулик ва адолат ғолиб чиққан. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ғаламислик ва қабиҳлик тимсоли бўлган терроризм ҳеч нарсага эришолмайди ва бу ишга қўл урганлар абадул-абад лаънатга учрайди.

Сулаймон ЖИЯНОВ,
Хатирчи туманидаги "Қиёт-21" фермер хўжалиги раҳбари

Жорий йилнинг 25 июн куни Адлия вазирлигининг Ҳайъат мажлисида вазирликнинг масъул ходимлари томонидан Фарғона вилоятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси, чет эл инвестицияси ва инвесторлар иштирокидаги корхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда шартнома мажбуриятлари бажарилиши аҳволини ўрганиш бўйича ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинган эди.

Қуйида муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган Адлия вазирининг буйруғи чоп этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июл *116-ум-сон* **Тошкент шаҳри**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йиллар мобайнида вазирлик ишчи гуруҳи томонидан вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркор ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда айрим идора ва ташкилотлар фаолиятида кўплаб қонунбузилишлар содир этилганлиги аниқланган эди.

2004 йилда ҳам вазирлик ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги турли идора ва ташкилотларда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этиб келаётганлиги аниқланди.

Вилоятда тадбиркорлардан солиқ ундиришда, уларни маъмурий жавобгарликка тортишда, улар фаолиятини текширишда, тадбиркорлик субъектларини тегишли банклар томонидан нақд пул билан таъминлаш борасида ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришда бир қанча муаммолар мавжуд.

Ушбу ҳолатларни ҳақиқатда мавжудлигини 2004 йил январ ойида вилоятда ўтказилган ижтимоий сўровда тадбиркорлар кўрсатиб ўтишган.

Бу ҳолат ўз навбатида вилоятда тадбиркорликнинг ривожланишига ва уларнинг эркин фаолият юритишига сезиларли даражада тўсиқ бўлиб турибди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан айрим ҳолатларда вилоятда содир этилаётган қонунбузилишларни аниқлашга, уларни содир қилган шахсларни муқаррар жавобгарлигини таъминлашга ва келгусида бундай қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга етарли эътибор бермаслик ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишда вилоятдаги ҳокимликлар ва бошқа идораларда 1942 та ҳолатда тадбиркорларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда, 1399 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишда, 618 та ҳолатда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик субъектларига ер ажратишда, 522 та ҳолатда тижорат банклари томонидан кредит ажратишда ва 679 та ҳолатда солиқ идоралари томонидан қонунбузилишлар содир этилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бошқарма томонидан тадбиркорлик, шартномавий, хорижий инвестицияларга ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзпахтасаноат, Ўздонмаҳсулот, Ўзқишлоқхўжаликкимё, Ўзбек ипаги, Ўзагромашсервис, Ёғмойтамакисаноат ҳамда Нефть маҳсулотлари тизимига кирувчи вилоят корхона ва ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартнома шартларини ўз вақтида бажармаслик, оила пудратчиларининг иш ҳақлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширмаслик, уларга асоссиз равишда жарима солиш ҳолатлари мавжуд.

Вилоят адлия бошқармаси эса ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан етарли даражада таъсир чораларини кўрмаган.

Шунингдек, бошқарма томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий чора-тадбирларни амалга оширилмаётганлигини ва бу борада кескин таъсир чораларини қўлланилмаётганлигини кузатиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

ЖИНОЯТДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ

ҚОНУНЧИЛИКДА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МЕЪЁР ҲИСОБЛАНАДИ

Ҳаётда кимдир билиб-билмай йўлдан адашиши, ножўя ишга қўл уриши мумкин. Бундай инсонга меҳр-мурувват кўрсатилса, айби кечирилса, у яна туриш-турмушини тўғри йўлга солиб олади. Шу боис халқимиз азалдан кечиримлилик ва бағрикенглик каби фазилатларни улуғлаб, унга амал қилиб келган. Бу хусусиятлар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Қуйида ана шундай рағбатлантирувчи меъёрлардан бири ҳақида сўз юритилди.

Тергов ва суд амалиётида кўрилаётган жиноят ишларидан маълумки, айрим фуқаролар жиноий уюшмалар таркибига адашиш йўли билан ёлланиб кириб қолмоқда. Бундан ташқари, амалиётда бир тоифа шахслар, айниқса, ёшларни алдаш йули билан, яъни гўёки хорижда кўп миқдордаги маош тўлайдиган ишга жойлаштириш, бепул ўқиш ва турар-жой билан таъминлаш каби ёлғон ваъдалар билан чет давлатларга олиб чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Хорижга чиққач, ҳамма ваъдалар саробга айланади ва уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари олиб қўйилиб, террорчиликка мослашган ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга очиқдан-очиқ мажбурлаш, онгги ва руҳиятига турли хил ёт мафкура ҳамда ғояларни сингдириш орқали жангари жиноятчилар тайёрланади.

Шу ўринда бундай шахсларга қонунчиликда қандай енгилликлар белгиланган, деган савол туғилиши табиий.

Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, Жиноят кодексининг 26-моддасида алданган шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатган бўлса, шунингдек, бирон-бир жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олган бўлса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган, деб жавобгарликка тортилмаслиги белгиланган.

Чунки шахснинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолат деб баҳоланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш амалдаги Жиноят кодексига киритилган янги институт бўлиб, рағбатлантирувчи меъёрларнинг бири ҳисобланади.

Бундай рағбатлантирувчи меъёрлар иш бўйича ҳақиқий ҳолатнинг тўғри ифодаланишига ёрдам беради. Қолаверса, улар нафақат алоҳида шахснинг хулқ-атвори, балки бутун жамиятдаги салбий ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтириш баробарида бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига хизмат қилади.

Жиноятдан ихтиёрий қайтиш институтини амалиётга жорий этишдан асосий мақсад жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қуймасликдан иборатдир. Шу маънода рағбатлантирувчи меъёрлар ҳуқуқ-тарғибот идоралари томонидан жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни, айниқса, жиноий гуруҳ ёки уюшмаларни тарқатиш билан боғлиқ амалий тадбирларни изчил амалга оширишга фаол кўмаклашади.

(Давоми учинчи бетда)

Dakki

ТАҚДИМНОМА ТАКЛИФНОМА ЭМАС

Деновлик Бобоқул Ўроқов 1991 йилда "Дўстлик" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Дастлаб у ширкат хўжалиги ҳудудидаги эскириб қолган ҳаммом биносини сотиб олиб, бир неча йил давомида уни таъмирлади ва мижозларга керакли бўлган барча қулайликларни муҳайё қилди. Бу эса мижозлар сонини кун сайин оширди. Ўтган йили тадбиркор бетоблиги туфайли хусусий корхонани бошқаришни ўғли Тожиддинга топшириб, ўзи маслаҳатчи лавозимига ўтди.

Денов тумани давлат солиқ инспекциясининг ходими Оқбўта Эргашев ҳам Бобоқул ака ишлаётган ҳаммомнинг доимий мижозига айланди. Аммо 2002 йилнинг қишида у ҳаммомга ювинишга эмас, балки текшириш ўтказишга келади.

Ушбу текшириш ноқонуний бўлгани сабабли Бобоқул Ўроқов бу ҳақида турли мутасадди идораларга мурожаат этди. Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан аризада баён этилган ҳолатлар ўрганиб чиқилганда, Денов тумани ДСИ ходими О.Эргашев Бобоқул Ўроқов ишлаётган хусусий корхонада бир неча бор ноқонуний текшириш ўтказгани аниқланди. Хусусан, шу йилнинг 28 январ куни ДСИ ходими О.Эргашев ва ҳудуд нозири Р.Алиқулов "Дўстлик" хусусий фирмасига қарашли маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси (ҳаммом)да қисқа муддатли текшириш ўтказиб, 1100 сўмлик савдо пули назорат касса машинаси ҳисобига ўтказилмагани ва чек берилмагани ҳақида далолатнома тузишган. Ушбу далолатнома асосида туман ДСИ бошлиғининг 122-сонли қарори билан хусусий фирмага 554 минг сўм жарима солинган, фирма ишчиси Х.Ўроқовга нисбатан эса 27 минг сўмлик маъмурий жазо қўлланилган.

Қизиғи шундаки, текширувчилар **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдиришмаган. Бу эса **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида"**ги қонуннинг 40-моддаси, **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун ҳамда **"Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"**ги 1503-сонли, **"Хўжалик юритувчи субъектларда текширишни ташкил қилиш тартибига солиш тўғрисида"**ги 31140-сонли Президент Фармонлари талабларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Шу сабабли адлия бошқармаси ушбу ҳолат бўйича содир этилган қонунбузарликни бартараф этиш, уларнинг келгусида такрорланишининг олдини олиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида шу йилнинг 3 март куни вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритган эди. Бироқ вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Мирзаев номига юборилган тақдимномага ҳеч қандай жавоб берилмади. "Унутилган" тақдимнома учун 7 июн куни солиқ бошқармасига эслатма юборилди. Шу йилнинг 10 июн куни унга йўлланган жавоб хатида айтилишича, тақдимнома Денов тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, қонунбузарлар О.Эргашев ва Р.Алиқуловга интизомий жазо қўлланилган.

Кўриниб турганидек, ушбу ҳолатда вилоят Давлат солиқ бошқармаси мутасаддилар тақдимномага таклифнома қабилида муносабатда бўлган. Бундай бефарқлик ва масъулиятсизлик ҳолатлари вилоят солиқ бошқармаси фаолиятида кўплаб топилади.

Мисол учун айтсак, Шўрчи тумани "Деҳқон бозори" қошидаги ДСХ ходими С.Сафаров томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан шу йилнинг 25 феврал куни юборилган тақдимномага қайта эслатишдан сўнггина жавоб олинган.

Деновлик тадбиркор Х.Ваҳобовнинг солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ноқонуний текшириш ўтказилгани натижасида унга нисбатан 544 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилгани тўғрисидаги шикояти юзасидан ҳам шу йилнинг 12 январ куни вилоят Давлат Солиқ Бошқармасига тақдимнома киритилган эди. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, унга ҳозиргача жавоб берилгани йўқ.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, тақдимнома муайян камчиликни бартараф этиш борасида билдирилган таклифнома эмас. Аксинча, қонунбузарликнинг олдини олиш, камчиликка йўл қўйган масъул шахсларни интизомга чақириш тўғрисидаги расмий ҳужжат ҳисобланади. Бинобарин, тақдимномага бефарқ муносабатда бўлиш қонунни менсимаслик билан баробардир.

Шундай экан, баён этилган масалага мутасаддилар қандай муносабатда бўлишар экан?

Собир ҚАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

ФОШ ЭТИЛГАН СОХТАКОРЛИК

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Лекин қонун сохта тадбиркорликни кечирмайди.

Ургутлик Икром Аъзамов ўзи яшайдиган туман ҳокимлигидан тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай ва туман давлат солиқ инспекциясидан қайд гувоҳномаси олмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни бошлади. Шу боис суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бироқ у бундан тегишли хулоса чиқармади. Нафси ҳакалак отган Икром яна бозорда хорижда ишлаб чиқарилган эркаклар ва болалар устки кийимларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этувчи гувоҳномасиз, товар сифатини тасдиқловчи ҳамда божхона ҳужжатларисиз сота бошлади.

У шахс ўзига тегишли 576 минг сўмлик товарларни сотишдан 165 минг 300 сўм миқдорида фойда олишни мўлжаллаган экан. Яқинда жиноят ишлари бўйича Ургут тумани суди И.Аъзамовга унга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади. Бундан ташқари, у бир йил муддатга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Судланувчидан олинган товарлар суд ҳукми билан давлат фойдасига мусодара этилди. Бу қонуний фаолият кўрсатиш ўрнига сохта йўл билан тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилганларга сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Бекбўта БОБОЖОНОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

Уйчи туманидаги "Турон" фермер хўжалиги билан "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Уйчи туман туман филиали ўртасида 95-сонли шартнома имзоланганди.

Мазкур шартномага биноан кўра филиал 6410 килограмм азотли, 1510 килограмм фосфорли, 380 килограмм калийли — жами 1324500 сўмлик минерал ўғитларни фермер хўжалигига етказиб бериш мажбуриятини олади. Бироқ филиал томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилмади. Натижада фермер хўжалиги 1030 килограм азотли, 50 килограмм фосфорли, 240 килограмм калийли минерал ўғитларни ўз вақтида ололмайди. Бунинг устига, филиалнинг мутасадди раҳбарлари фермер хўжалиги томонидан минерал ўғит учун аввалдан ўтказиб қўйилган пул маблағларини қайтармайди. Ваҳоланки, филиал шартнома шартларини тўлиқ бажармаган ҳолда пул маблағларини ўз эгасига қайтариб бериши лозим эди.

Шартнома мажбуриятини бажармагани учун **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 32-моддасига асосан "Ўзқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Уйчи тумани бўлимидан "Турон" фермер хўжалиги фойдасига 248300 сўм асосий қарз, 37395 сўмлик жаримани ундириш мақсадида Наманган вилояти адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди. Яқинда мазкур даъво ариза юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили О.Отажонов даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатан ҳам, филиал 95-сонли шартнома бўйича "Турон" фермер хўжалигидан 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига 286695 сўм қарз борлигини маълум қилди. Шартнома шартларида фермер хўжалиги маҳсулотни ўз транспортида олиб кетиши белгиланган бўлса-да, олиб кетмагани учун жарима ундириш талаби асоссизлигини қайд этди.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқди. Даъвогар ҳамда жавобгар томонлар вакилларининг важларини тинглаб, ўзининг ҳал қилув қарорини чиқарди. Унда "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Уйчи тумани филиалининг ҳисоб рақами ёки мулки ҳисобидан "Турон" фермер хўжалиги фойдасига 249300 сўмлик асосий қарз ундирилиши қайд этилди.

Мирзакарим ТИЛЛАБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Taassuf

ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ХАТО

Зангиоталик хусусий тадбиркор Ф. Шарипов парранда гўшти ва маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилди. У Қуйи Чирчиқ туманидаги "Парранда ферма хўжалиги" масъулияти чекланган жамиятнинг таъсисчиси сифатида банкдан кредит олиб, енг шимариб иш бошлади. Тинимсиз изланиш тезда ўз самарасини берди — жамоа давлат эҳтиёжидан ташқари аҳолига ҳам парранда гўшти ва тухумини етказиб бера бошлади. Кейинчалик қорамолчилик фермаси ҳам барпо этилди.

Шу йил бошида Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бош тафтишчиси О.Рашидов ва Қуйи Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси шўъба мудири Ш.Бойдебов томонидан "Парранда ферма хўжалиги" МЧЖнинг 2001-2003 йиллар якуни бўйича солиқлар қонунчилигига риоя қилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш якунида тузилган далолатнома асосида Қуйи Чирчиқ ДСИ томонидан қўшимча ҳисобланган солиқлар билан корхонага нисбатан 44.2 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилади.

Қизиғи шундаки, Қуйи Чирчиқ тумани ДСИ томонидан ушбу қарор бекор қилинмаган ҳолда 26 апрел куни корхонага 26594,2 минг сўм миқдорида қўшимча ҳисобланган солиқлар билан молиявий жарима қўллаш ҳақида янги қарор қабул қилинади. Бундан ташқари, корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига "инкасса" топшириқномаси ҳам қўйилади.

Аслида текширишдан норози бўлган тадбиркор 9 феврал куни Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси ва Қуйи Чирчиқ тумани ДСИга эътироз хати жўнатади. Унда улар томонидан 29 январ куни расмийлаштирилган далолатноманинг хулоса қисми 6-бандида **"2001-2003 йиллар даврида 214 дона умумий суммаси 832960,6 минг сўмлик ҳисоб-фактураларини расмийлаштиришда белгиланган тартиб бузилгани"**ни кўрсатишда арифметик хато туфайли 83290.6 минг сўмни ифодаловчи рақам кўпайтириб ёзилгани баён этилган эди.

Бундай чалкашликларнинг юзага келишига "Парранда ферма хўжалиги" МЧЖ бош ҳисобчиси О.Скокова ҳам сабабчи бўлган. Чунки у тажрибасизлиги туфайли текширувчиларга ҳисоб-фактура ҳужжатларининг учинчи нусхасини кўрсатган. Мазкур нусхаларнинг айримларида "шарт эмас" деган маънода корхонанинг «СТИР» рақамлари қайд этилмаган эди. Кейинчалик бу хато корхона томонидан тузатилади.

Бу ёғини сўрасангиз, "Парранда ферма хўжалиги" МЧЖ томонидан 2003 йил 1 февралдаги 6-сонли ҳисоб-шартномасига асосан 1140480 сўмлик, 2003 йил 10 июндаги 9-сонли ҳисоб-шартномасига асосан 1407000 сўмлик, 2003 йил 1 ноябрдаги 16-сонли ҳисоб-шартномасига асосан 1707960 сўмлик маҳсулотлар пул ўтказиш йўли билан якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор Ф.Шариповга сотилган.

Қуйи Чирчиқ тумани ДСИ ушбу олди-сотди ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорлари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилган, деган хулосага келган.

Аслида эса тадбиркор Ф.Шариповга Зангиота тумани ҳокимлигининг 2001 йил 3 ноябрдаги 1691-сонли қарори билан гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, етиштириш, савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома берилган. Қолаверса, тадбиркор Ф.Шарипов маҳсулотларни етиштирилаётган қорамол ва паррандаларни озиқлантириш учун сотиб олган. Аниқроқ айтганда, у маҳсулотларни қайта бировга сотмаган. Афсуски, текширувчилар бу ҳолатга ҳам эътибор беришмаган.

Шу тариқа ҳуқуқи бузилган тадбиркор Тошкент вилояти адлия бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат этди. Адлия бошқармаси ходимлари ушбу аризадаги важларни ўрганиб чиқиб, тадбиркор ҳақ, деган хулосага келди ва шу йилнинг 10-май куни Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 02-1/-сонли тақдимнома жўнатилди.

Бироқ бундан бирор натижа чиқмагач, адлия бошқармаси "Парранда ферма хўжалиги" МЧЖ манфаатларини кўзлаб тошкент вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Шу йилнинг 24 июн куни Тошкент вилояти хўжалик суди мазкур масалани кўриб чиқиб, даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Суд Қуйи Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг "Парранда ферма хўжалиги" МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топди.

Агар ваколатли идоралар хатони ўз вақтида тан олишганда эди, тадбиркор ҳуқуқи бузилиб, ойлаб сарсон-саргардончиликни бошидан кечирмаган бўлар эди. Демак, бундан бошқалар ҳам сабоқ чиқаришлари лозим. Зеро, ўз вақтида тузатилган хатонинг зиёни йўқ.

Рустам ХУДОЙКУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июл *116-ум-сон* **Тошкент шаҳри**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

2004 йилнинг 5 ойи давомида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб 96 нафар фуқаролар мурожаат этган бўлсада, бўлим ходимлари томонидан бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан атиги 6 та тақдимнома киритилган ва қонунбузилишга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли таъсир чораларини етарли даражада қўлланилиши таъминланмаган.

Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан вилоят ҳокими номига киритилган тақдимномада кўрсатилган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 13.700 та "назорат варақа"лари очилиб, тақдимномада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилиши таъминланган бўлсада, лекин қонунбузилишларга йўл қўйган шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилиши тўлиқ таъминланмаган.

Бошқарма томонидан 2004 йилнинг 5 ойи давомида тадбиркорлик, шартномавий, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияларга оид ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жами 76 та тақдимномалар киритилган, шундан 68 та тақдимноманинг ижроси тўлиқ таъминланишига эришилган.

Адлия бошқармаси томонидан киритилаётган тақдимнома ва уларнинг ижроси ўрганилганда айрим ҳолатларда қонунбузилишга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи очиқ қолдирилиб, тақдимнома муҳокамасида айбдор шахсларга нисбатан "камчиликлар кўрсатиб ўтилди", "огоҳлантирилди" каби чоралар билан чекланиб қолинганлик ҳолатлари мавжуд.

Бошқарма томонидан вилоятдаги мавжуд 60 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг "паспортлари"ни юритилиши таъминланган бўлсада, лекин бугунги кунда мазкур хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда 17 таси фаолият юритмасдан келмоқда.

Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган нотариал идораларнинг нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида айрим ҳолатларда камчиликларга йўл қўйилаётганлик ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, вилоятнинг давлат нотариал идоралари нотариуслари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида эр ёки хотинга гувоҳнома беришганда умумий мол мулкдаги улушга гувоҳнома бериш тўғрисида яъни, Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги қонунни 63-моддаси тушунтирилмаган.

Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланманинг 154-бандига асосан, банк муассасаларига тақдим қилинадиган карточкаларда мансабдор шахслар имзоларининг намуналарини шаҳодатлаш чоғида нотариуслар уларнинг имзоси ҳақиқийлигини ва имзо қўйиш ҳуқуқи ваколатини текширишлиги таъкидланган бўлсада, аммо айрим нотариуслар томонидан бу талабни бажарилиши таъминланмаган.

Шунингдек, ФҲДЁ бўлимларининг кенгаши Адлия вазирлигининг 1998 йил 19 августдаги 52-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ҳақида"ги Низом асосида аъзолари сайланиб, ушбу Низом асосида иш фаолиятини юритиб келаётган бўлсада, лекин кенгаш томонидан бирорта ҳам бу борада умумлаштириш ўтказилмаганлиги ва мустақил равишда иш режалари тузилмаганлиги аниқланди.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорини ижросини етарли даражада таъминламаслик ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, мазкур қарорнинг 2 ва 3 иловаларига асосан шахсларнинг никоҳга киришдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланма ва маълумотнома шакллари тақдим этилган бўлсада, айрим ҳолатларда тиббиёт муассасаси ходимлари томонидан берилган маълумотномалар юқорида кўрсатиб ўтилган қарор талабига жавоб бермаслиги аниқланди.

Шунингдек, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими томонидан рўйхатга олинган жамоат бирлашмаларининг таъсис ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирмаслик ҳолатлари мавжуд.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими ва туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги қонуни талаблари тўлиқ ижро этилмаяпти.

Юқоридагиларга асосан, адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ таъминлаш, Фарғона вилоят адлия бошқармаси фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек 2004 йил 24 июндаги Адлия вазирлигининг ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари ***етарли даражада эмас деб баҳолансин.***

2. Бошқарма иш фаолиятини янада кучайтиришни таъминлаш мақсадида қуйидагиларга асосий эътибор қаратилсин:

- Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганишлар, сўровларда аниқланган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб аниқланган соҳаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда иш режаларини қисқа ва мазмунли тузиш;

- бошқармага келиб тушаётган ҳар бир ариза, шикоят ва "Ишонч телефони"га келаётган мурожаатларни назоратга олиб, уларда кўрсатилган важларни ўрганиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қатъий таъсир чоралари кўриш.

3. Адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш чоралари етарли даражада кўрилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин. Ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан айбдор шахсларга нисбатан даъво аризалари киритиш чоралари кўрилсин.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ноқонуний текшириш ўтказган назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин.

5. Тадбиркорлик субъектларини асоссиз равишда маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортиш ҳолатлари юзасидан ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

6. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг банкларда ўз маблағларидан эркин фойдаланишлари юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиласин.

Тадбиркорлик субъектларига кредит беришда қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйган банк ходимларига нисбатан уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий чоралар кўрилиши таъминлансин.

7. Вилоят миқёсида тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний жалб қилинганлиги ҳолати юзасидан ушбу маблағларни уларга тўлиқ қайтарилганлиги ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортилганлиги юзасидан **1 ой муддат** ичида вазирликка ахборот тақдим этилсин.

8. Вилоят "Нефть маҳсулотлари", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзбек ипаги" уюшмаларининг вилоят филиалларида ҳамда "Ўзпахтасаноат" АЖ нинг фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан бўлган кредиторлик қарзларини ундириш чоралари кўрилсин.

Адлия бошқармаси Фарғона вилоятининг "Ўзқишлоқхўжаликкимё" АК, "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ёғмойтамакисаноат" ва "Ўзагромашсервиз" уюшмаларининг вилоят филиалларида, "Нефть маҳсулотлари корхоналари филиалларидаги шартномалар тузилишининг қонунийлиги ва уларнинг бажарилишини **1 ой муддат** ичида ўрганиб чиқсин.

9. Ашаддий равишда қонунбузарликка йўл қўяётган, йилдан-йилга қонунбузарликни такрорлаб келаётган шахсларни ишдан бўшатишгача жавобгарликка тортиш чораларини кўрилиши учун шахсан адлия бошқармаси бошлиғи жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

10. Бошқарма томонидан вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланишига эътибор қаратсин.

Мониторинг натижалари бўйича корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолишида қандай сабаб ва тўсқинликлар мавжудлигини аниқласин, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг доимий фаолият юритишига амалий ёрдам берилсин ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўла таъминлансин.

11. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатига олишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин ва **1 ой муддат** ичида уларни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўрсин.

12. Адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги эътироф этилсин.

Бу соҳадаги фуқароларнинг мурожаатлари бўйича тўлиқ ва сифатли текшириш ўтказилиши таъминланиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларни тегишли жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан кескин чоралар кўрилсин.

13. Фуқароларнинг суд ва тергов идоралари ҳаттиҳаракатидан ёки улар томонидан чиқарилган қарорлардан норози бўлиб ёзган мурожаатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, фуқароларнинг қонуний манфаатларига зиён етказган қарорларни бекор қилиб, қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритиш ишларига алоҳида эътибор қаратилсин.

14. Давлат нотариал идоралари нотариуслари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятида "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг талаби ҳамда Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланманинг 154-банди бузилаётгани ҳолатлари муҳокама қилиниб, бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан қаттиқ назорат олиб борилсин.

15. Бошқарманинг ФҲДЁ бўлимларининг кенгаши томонидан умумлаштиришлар ўтказилмаганлиги ва мустақил равишда иш режалари тузилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорини ижросини тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилсин.

16. Вилоят **адлия бошқармаси бошлиғига** Адлия вазирлигининг Фарғона вилоят ҳокимига киритган тақдимномасида кўрсатилган ҳар бир қонунбузарлик ҳолати бўйича алоҳида назорат карточкалари юритилиши ва қонунбузарлик бартараф этилиши, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқи тўлиқ тикланиши ҳамда айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилишида зарур чора-тадбирларни кўриш учун шахсан масъул эканлиги уқтириб ўтилсин.

17. **Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи А.Турғуновга** Адлия вазирлигининг ҳайъат мажлисида кўрсатилган камчиликларни йил якунига қадар бартараф этиш борасида зудлик билан тегишли чора-тадбирлар амалга ошириши кўрсатиб ўтилсин.

18. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш **Департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Ш.Аҳмадкулов** бўлим ва туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари томонидан суд ҳужжатларини ижро этишда йўл қўйилган камчиликларни тўлиқ бартараф этиш учун зарур чоралар кўрсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия идоралари бошлиқлари ўзларига тегишли хулоса чиқариш ва муҳокама қилиш учун мазкур буйруқ билан таништирилсин.

20. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари **И.Абдуллаев** зиммасига юклатилсин.

Адлия вазир
А.А.ПОЛВОН-ЗОДА

Huquqiy ma`rifat

ЖИНОЯТДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ

ҚОНУНЧИЛИКДА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МЕЪЁР ҲИСОБЛАНАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шунинг учун Жиноят кодексида 26-модданинг мавжудлиги жиноят содир этишга тайёргарлик кўрган шахсни жиноий фаолиятидан қайтишга, жиноий мақсадга эришишдан воз кечишга ундайди. Бу имконият махсус юридик адабиётларда **"жиноятдан қайтишнинг олтин кўприги"** деб аталади.

Жиноятдан ихтиёрий қайтишда иккита шарт — ихтиёрийлик ва узилкесиллик мавжуд бўлиши керак.

Ихтиёрийлик деганда жиноятга тайёргарлик кўраётган шахс онгли равишда, ўзининг ички туйғуси, хоҳиш-иродасига буйсунган ҳолда ихтиёрий равишда ҳаракатларини амалга оширишдан воз кечиши, ҳаракатларини тугатиш тўғрисида ўйлаб аниқ тўхтамга келиши тушунилади. Албатта, шахсда ихтиёрий қайтиш ташаббусини пайдо бўлишига баъзан бошқа шахслар, масалан, ота-онаси, яқин қариндошлари ва ҳоказолар сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Лекин бунда ҳам жиноятдан воз кечиш пайдо бўлгани бартараф этилмайдиган ёки бартараф этилиши қийин тўсиқлар таъсирида эмас, балки шахснинг фикрлаши натижасида бўлиши керак.

Узил-кесил тушунчаси жиноятга тайёргарлик ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ўз жиноий фаолиятини вақтинча эмас, балки тамомила ва тўлиқ тугатишни назарда тутади. Таъкидлаш жоизки, шахснинг жиноий фаолиятдан узилиши, яъни жиноий уюшмадан ажралиб бошқа ҳудудда яшаши ёки ундан вақтинча воз кечиши жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда воз кечиш деб баҳоланмаслиги лозим. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат тайёргарлик кўриш босқичида, айрим ҳолларда тугалланмаган суиқасд босқичида, яъни фақат жиноят содир этиш тугаллангунга қадар йўл қўйилади. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳамма вақт шахснинг фаол ҳаракатидан иборат хусусиятга эга бўлади. Чунки бунда шахснинг хатти-ҳаракатлари жиноий оқибатлар вужудга келишининг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун шахс нафақат жиноий фаолиятини тўхтатган бўлиши, шу билан бирга жиноий оқибат келиб чиқишининг олдини олган бўлсагина уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган, деб эътироф этиш мумкин.

Жиноят кодексининг 30-моддаси 5-қисмида **"ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади"** дейилган. Шунинг учун ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган, дейиш учун улар томонидан жиноят содир этиш учун яратилган барча имконият ва шароит батамом йўқ қилиниши, башарти бундай имкониятдан ҳам ижрочилар фойдаланмаган бўлсагина йўл қўйилади. Хусусан, улар жиноий уюшма таркибидаги иштирокчиларнинг бирортаси жиноят содир этмаслик учун шошилинч чора кўриши, бу ҳақда мутасадди идорага тўлиқ маълумот берган бўлиши, бир сўз билан айтганда, жиноий оқибат юз беришининг олдини олишга бутун кучи ва имконини тўлиқ сарфлаган бўлиши керак.

Тергов ва суд идоралари жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни айбдор қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани муносабати билан жавобгарлик (ЖКнинг 66-моддаси) ва жазодан озод қилишдан (ЖКнинг 71-моддаси) фарқлаши амалиётда муҳим аҳамиятга эга. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тугалланмаган жиноятларда, яъни тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш жараёнида шахс ижтимоий хавфли қилмишининг зарарли оқибатини англаган ҳолда унга йўл қўймаслик чорасини кўрган бўлади. Қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш тугалланган жиноят бўлиб, унда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлардан бирини биринчи марта содир этган бўлиши; айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши; чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; жиноятни очишга фаол ёрдам бериш каби шартлар назарда тутилган бўлади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг умумий қисмидаги қоидага кўра, ҳар қандай жиноятда айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (55-модда, 1-қисм "а" банди) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади. Энг муҳими, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноий жавобгарликни истисно этади, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш жавобгарлик ёки жазодан озод этишга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиш билан боғлиқ меъёрни амалиётда қўллашда тергов ва суд идоралари қўйидаги ҳолатларга эътибор бериши лозим.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда шахс бирон-бир шахс ёки идоранинг тазйиқисиз, айниқса, у жиноий гуруҳ ёки уюшма (ташкилот)нинг фаолияти билан боғлиқ ўзи хабардор барча маълумотларни тергов идорасига маълум қилган, бу ҳақда ёзма равишда ариза берган ёки унинг оғзаки мурожаати тегишли идора томонидан баённома тузиш йўли билан расмийлаштирилган бўлиши керак. Бундай ҳолатнинг эътиборга молик яна бир муҳим жиҳати шундаки, шахснинг жиноий тўдалар таркибида эканлиги ҳокимият идораларига маълум бўлмасдан ўз ихтиёри билан ўзини ҳокимиятга топширишга қарор қилган бўлиши зарур. Жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиш тўғрисидаги шахснинг аризада маълум қилинган хабарлари тергов идоралари томонидан Жиноят Процессуал кодекснинг 22-моддаси талабига риоя қилган ҳолда синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиб, жумладан, тергов идораларининг иш юритувида бўлган, тўхтатилган, тугатилган ёхуд судда кўрилган шу туркум ишлар юзасидан шу шахснинг жиноятларда иштирок этган-этмагани, яшаш жойидан кетиб қолиш сабаблари, бу ҳақда ота-онаси, яқин қариндошлари, маҳалла фаолларининг тушунтириши, унинг шахсини тавсифловчи барча ҳолатлар, жумладан, жиноят содир этишга мойиллиги (ИИБ ҳисобда бор-йўқлиги) каби ҳолатларни батафсил ўрганиб, шундан сўнг иш қўзғатишни рад этиш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Агар бирон-бир кимсага тегишли жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш билан боғлиқ иш тергов идораси томонидан тугатилмасдан айблов хулосаси билан судга юборилган ва бу судда кўришда маълум бўлса, суд ишдаги барча ҳолатларни баҳолаб, ихтиёрий равишда қайтиш мавжуд деган қатъий хулосага келган тақдирда ишни кўришга тайинлаш босқичида ишни тугатиш (ЖПКнинг 401-моддаси), суд мажлиси муҳокамаси якунида (ЖПКнинг 83-моддаси) оқлов ҳукми чиқаришга ҳақли.

Хулоса қилиб айтганда, алданиб ёки адашиб жиноий уюшма ҳамда тўдалар таъсирига тушиб, кейинчалик жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган кимсаларга нисбатан Жиноят кодексидаги жавобгарликдан озод этиш билан боғлиқ рағбатлантирувчи меъёрларни тадбиқ этишга кенг имконият яратиш жамиятда инсонпарварлик тамойилининг мустаҳкам қарор топишига хизмат қилади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Jamiyat maqsadi

АЁЛГА ЭЪТИБОР – ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, уларни таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, хотин-қизлар ҳар қандай жамиятда ҳам оиланинг асосини ташкил этади. Бунинг амалий натижаси ўлароқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш мақсадида шу йил 25 май куни Президентимизнинг **"Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг 6-бандида хотин-қизларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил қилиш борасидаги фаолиятини тартибга солиш мақсадида Адлия вазирлиги Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда 2004 йилнинг 1 ноябрига қадар **"Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ хотин-қизларнинг республика ва минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатга олиш бўйича зарур кўмак ва ёрдам бериш таъминланиши белгиланган.

Ҳозирги пайтда мазкур фармонга мувофиқ юртимизда фаолият кўрсатаётган барча хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарлари қайта рўйхатдан ўтказиш зарурлиги ҳақида хабардор қилинди. Адлия вазирлиги ва вилоятлардаги адлия бошқармалари ходимлари томонидан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги идоралари билан биргаликда уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, уларнинг таъсис ҳужжатлари амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилиб, Низом фаолияти таҳлил қилинмоқда ва мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда. Шунингдек, мазкур Фармонга асосан нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказиш учун таъсис ҳужжатлари Адлия вазирлигига тақдим этиш ишлари фаол олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка асосан хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотларининг раҳбарияти томонидан адлия идораларига фаолиятлари юзасидан йиллик ҳисоботлар, шунингдек, фаолиятини молиялаш манбалари ва маблағларни сарфлаш тўғрисидаги далолатномаларни тақдим этиш йўлга қўйилган. Буларнинг бари хотин-қизларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган дастурлари турли хил бўлишига қарамасдан, уларнинг фаолияти аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини оширишга қаратилган. Шу боис Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармалари томонидан хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Зотан, аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлаш жамият тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

Наргиза МАҲКАМОВА,
Умида ЭРГАШЕВА

Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлаш учун фақат ишлаб чиқаришни юқори даражага кўтариш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзи кифоя эмас, балки теран фикрловчи, ўз юртини жон-дилидан севадиган, унинг гуллаб-яшнаши учун сидқидилдан меҳнат қиладиган, тафаккури кенг фуқароларни тарбиялаш тақозо этилади.

Mushohada

ТАРБИЯ ВА БУРЧ

Аслида инсон омили, унинг тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг мураккаб ва нозик масалалардан бири саналган. Шу маънода ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда жамиятдаги бошқа институтлар қатори оиланинг ўрни ва аҳамияти катта.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида маҳаллаларда қатор амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, уларга турли касб-ҳунарларни ўргатиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Аммо шуни ҳам очиқ-ойдин айтиш жоизки, айрим оилалар, хусусан, мутасадди тарбия ўчоқларида ўсмирлар ва ёшлар тарбиясига панжа орасидан қаралаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида эса эндигина мустақил ҳаёт бўсағасида турган ўсмир адашиб, ёмон, одам учун иснод келтирувчи йўлга кириб қолмоқда. Қуйида ана шундай калта ўй, енгил фикрлаш оқибатида қора курсига ўтирган айрим ёшларимиз ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, бу бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Шу йил 24 январдан 25 январга ўтар кечаси тахминан соат 1.00 ларда эндигина 18 ёшни қоралаган Шерзод Тожихонов, 19 ёшли Рихсивой Ҳакимов вояга етмаган Мурод Рустамов ва Расул Аҳадов билан жиноий тил бириктириб, ўзганинг мулкини ўғрилик, яъни яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги Бобур номидаги хиёбонга кириб, ўрнатилган жами нархи 79.002 сўм 33 тийин бўлган 3 дона электр ёритгичларини яширин равишда ўғирлаётганида воқеа жойида милиция ходимлари томонидан қўлга олинган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Taassuf

Йигитнинг бошига омад қуши қўнса, унинг ҳаёти тубдан ўзгарар экан. 1998 йил 24 декабрдан бошлаб Зоҳид Ҳамроевга одамлар Зоҳид Шоимович деб мурожаат қиладиган бўлишди. Шу куни у "Бухоро нефт базаси" унитар корхонасининг Қоракўл туман филиалига директорликка тайинланди. У аввалига каттани ака, кичикни ука, деб енг шимариб ишлади. Бироқ кейинчалик у нафс қутқусига учди.

БЕНЗИН "ОПЕРАЦИЯСИ"

(ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА)

Ўтган йили феврал ойи бошларида Зоҳид Ҳамроев ҳузурига корхона омбор мудири Шуҳрат Саидовни чақирди.

— Омборда ишлар қалай, Шуҳрат ака? Одамни хурсанд қиладиган янгиликлар борми?

— Нефт маҳсулотлари вагонларда узлуксиз келиб турибди. Юк хатларида кўрсатилган маҳсулотларни кечиктирмай тарқатяпмиз. Ишончингизни оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Лекин янгилик йўқ — дея мулойим жавоб қайтарди омбор мудири.

— Мен сиздан ҳисобот сўраётганим йўқ. Янгилик деганда пулни назарда тутяпман. Директор деган номим бору тагимда минишга машина йўқ. Шуни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз ўзи?

— Учқундан қўрққан темирчи бўлмас, чумчуқдан қўрққан тариқ экмас, деган гап бор. Йўлини айтинг, пулни биз топамиз.

— Ўзингизни анойиликка солманг. Қалбаки юк хати орқали бензинни бошлиғи ўзингизга яхши таниш, оғзи маҳкам бўлган ёқилғи қуйиш шаҳобчасига юборасиз ва уни накд пулга сотасиз. Ўринбосаримдан чўчиб юрманг, у ҳам бизга шерик. Дарҳол ишга киришинг.

Шуҳрат Саидов 1998 йилдан омбор мудири лавозимида ишлаб, кўзи пишиб қолган. Шу сабабли у директорнинг топшириғини бажариш учун кўп ҳам бош қотириб ўтирмади. Шерикликка акаси Тошпўлат Саидов бошчилик қилаётган "Руслан-98" хусусий фирмасини танлади. Шу тариқа ипидан игнасигача пухта режалаштирилган "бензин" операцияси бошланди.

Директор, ўринбосар Абдували Зоиров, Шуҳрат Саидов ва унинг акаси Тошпўлат Саидовдан иборат жиноий гуруҳ режа асосида сохта юк хатлари орқали 28.621.200 сўмлик бензинни сотиб юборишди.

Бу пулга директор жияни Феруза Ҳамроева номига "Нексия" русумли енгил машина сотиб олади. Қилмишлари фош бўлишдан қўрққан Шуҳрат Саидов қалбаки юк хатларини йўқ қилади. Корхона ҳисобхонаси ходимлари ва ҳайдовчи Ғафур Холлиев ҳам уларнинг бу кирдикорларидан бехабар қолади.

"Руслан-98" хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда сотилган бензин пулларини омбор мудири директорнинг ишхонасида, баъзан корхона ҳудудидаги хилватроқ, пана жойларда унга бериб келган. Шуҳрат Саидов бир гал директорга пуллаб юборилган ёқилғи ўрнини тўлдириб қўйиш ҳақида сўз юритганида, раҳбар бепарвогина "Кўпам хавотирланманг, ҳаммасини ўзим жой-жойига қўйиб, ҳал қилиб бераман," дейди. Устаси фаранг омбор мудири йиллар давомида ҳисоботларда нефт маҳсулотлари камомадини яшириб келган.

Ниҳоят, директорни виждон азоби қийнай бошлайди, шекилли, ўтган йилнинг 19 ноябр куни корхонада инвентаризация ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарди. 20 ноябр куни филиалда сақлаб келинган нефт маҳсулотларидан 68.216.598 сўмлик камомад борлиги аён бўлди. Зоҳид Ҳамроев виждон амрига қулоқ тутиб, бу ҳақда Қоракўл туман прокуратурасига хабар қилади.

Жиноий гуруҳ аъзолари ўзаро тил бириктириб, "синов"дан ўтган усулда ва терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан биргаликда филиал омборида сақланаётган А-76 русумли 205-276 литр автобензинни ва 58.675 литр дизел ёқилғисини талон-тарож қилишган экан.

Гуруҳ аъзолари тергов ва суд жараёнида қилмишларига тўлиқ икрор бўлишди ва давлатга етказилган зарарни қоплашди. Суд уларга қонуний жазо тайинлади.

Беш панжа оғиз йиртар деганлари шу бўлса керак-да...

Саид ВОҲИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jahon tajribasi

ФИРИБГАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Маълумотларга қараганда, фирибгарлик жинояти бутун дунёда кенг тарқалган жиноий қилмишлардан бири ҳисобланар экан.

Қонунчиликда фирибгарликка алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш, деган таъриф берилган.

Алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиши учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай далилни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб, ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Алдашнинг шакллари турлича бўлиб, у қалбаки бланкалар, ишончнома, мухр, гувоҳнома кабилардан фойдаланиб, амалга оширилиши мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш тушунчаси ўзида айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мулк эгаси ёхуд мулк эгалиги ихтиёрига турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланилишини акс эттиради.

Фирибгарлик жиноятига хорижий давлатларда турлича таъриф берилган ва турли жазо чоралари қўлланилган. Испания, Болгария, Югославия давлатларининг жиноят қонунларида фирибгарлик фақат алдаш билан содир этилиши қайд этилган. Бу мамлакатларда ишончни суиистеъмол қилиш эса бошқа жиноят таркиби ҳисобланади. Жумладан, Югославия Жиноят кодексининг 260-моддасида ишончни суиистеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унда ишончни суиистеъмол қилишга **"шахснинг мулкий манфаатини ёки унинг мулкини назорат қилиб туриб, ўз бурчини бажармаслик ва унга берилган ваколатларни суиистеъмол қилиб, ўзи ёки учинчи бир шахс учун фойда олишга ҳаракат қилиб мулкнинг устидан назорат қилиниши керак бўлган шахсга зарар етказиш"**, деб таъриф берилган.

Айни шундай жиноят таркиби Болгария Жиноят кодексининг 265-моддасида ҳам ўз аксини топган. Унда таъкидланишича, жавобгарга сақлаш ёки бошқариш учун ишониб топширилган бировнинг мулкига онгли равишда зарар етказиш фирибгарликдир. Бундай ҳолатда ваколат берган шахснинг ишончни суиистеъмол қилиб, онгли равишда унинг қонуний манфаатларига зарар етказган вакил ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Югославия қонунчилигида адвокатлар ва васийлар ишончни суиистеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Венгрия қонунчилигида зарар етказиш ёки моддий фойда олиш мақсадида бировни янглиштириш фирибгарлик ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи Европа давлатлари қонунчилигида фирибгарлик жиноятининг умумий таркибидан ташқари унинг махсус турлари учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Германияда суғурта пулини олиш мақсадида фирибгарлик ишлатиш, транспорт хизмати ва томоша тадбирларидан текин фойдаланиш жиноий жавобгарликка асос бўлади. Бундан ташқари, ўзганинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юклатилган мажбуриятлари ёки мулкни тасарруф этиш учун берилган ваколатларни ишончни суиистеъмол қилиш орқали бузиш ҳам жиноий жавобгарликни юзага келтиради.

Италия қонунчилигида **"ишонувчанликни суиистеъмол қилиш"** деганда алоҳида жиноят таркиби кўзда тутилган. Ишонувчанликни суиистеъмол қилиш деганда вояга етмаган шахснинг тажрибасизлигидан фойдаланиш ёки бошқаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи ҳаракатларни содир этишга ундаш тушунилади.

Кўриниб турганидек, фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик хорижий давлатлар қонунчилигида турлича белгиланган.

Бу эса фирибгарлик жиноятини тушунчасини қиёсий таҳлил этишни тақозо этади.

Суюн ЧОРИЕВ,
Саломат НИЁЗОВА

Jinoyatga jazo muqarrar

ҚИСМАТ ЎЙИНИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Қиш кутилмаганда келди. Декабрнинг дастлабки кунлариданоқ ерга қор тушди.

Ҳуринисо опа қизларини ёнига олиб даладан бир арава ғўзапоя келтирганди. Фақат ана шу ғўзапояни томга саранжомлаб жойлаштириш қолган эди. Аммо бу анча оғир юмуш бўлиб, эркаклар унинг уддасидан чиқар эди. Бунинг устига қиш ҳавосига ишониб бўлмайди, ғўзапоялар қор, ёмғир остида қолса, чириб кетади. Шуни ўйлаб Ҳуринисо опанинг боши қотиб турганда, қизи Райҳона гап қотиб қолди:

— Ойи, акам уйда, ухлаб ётибди. Уйғотиб келайми?

Шундан сўнг она ўғлини уйқудан уйғотиб, ғўзапояни томга босиш лозимлигини айтди.

— Бир ўзим қандай томга оламан? – дея кўзларини ишқалади Абдулла, — қизларингизни ҳам ишга солинг-да.

— Қизлар ҳам бекор юргани йўқ, – деди она, — улар ўзларига яраша ишни қилаяпти.

Қисқаси, Абдуллага маҳалладаги йигитлардан бири — Абдулазиз қарашиб юборди. Улар ғўзапоянинг тенг ярмини томга жойлаштиришди. Йигитлар яна бироз ғайрат қилишганда, ҳаммаси яхшилик билан тугар эди. Бироқ Абдулланинг сабри чидамади.

— Бўлди, – деди у шеригига, — қолганини кейин босамиз...

— Йигит кишисан, – деди пастда турган она норози овозда, — совуққотдим дегани уялмайсанми?! Об-ҳавони қара, ёмғир ёғса, шунча меҳнат куяди...

— Қаерга борсангиз-боринг, – деди Абдулла ўжарлиги тутиб, — менга ҳам жон керак, ғўзапояни томга олиб чиқмайман...

Қисқаси, ана шундай тортишув оқибатида икки ўртада яна жанжал кўтарилди. Ҳовлидаги қий-чув, тўс-тўполонни эшитган қўшнилар ҳудуд профилактик нозирига хабар беришди.

— Жон ука, – дея ялинибёлворди она милиция ходимига, — бу кетишда у мени бир бало қилиб қўяди. Отасиникига олиб бориб қўйинг...

Шу ўринда аниқлик киритиб ўтадиган бўлсак, ҳаёт тақозоси билан Ҳуринисо опа билан эрининг турмуши анча йил муқаддам бузилган, улар алоҳида-алоҳида яшар эди.

Она-ўғил ўртасидаги жанжалдан сўнг Абдуллани отасининг ҳовлисига олиб боришди. Бироқ ота бўлмиш уни қабул қилишни кескин рад этди...

Ўша тун Абдулла катта бувисининг уйида бўлдими ёки ўзи айтганидек, кечаси билан ухламай кўча-кўйда тентираб юрдими, буниси ёлғиз худога аён. Аммо 12 декабр куни эрталаб у тоғаси билан онасининг олдига келди. Унинг бош эгиб келгани, бунинг устига ёнида тоғаси турганини кўриб, Ҳуринисо опа ўғлини кечирган бўлди. Кейин улар биргаликда нонушта қилишди. Нонуштадан сўнг тоғажиян бозорга йўл олди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hukmdan keyin

ЮРАК ОЙНАСИДАГИ ДАРЗ

I. ЎКСИК КЎНГИЛ

Оналик етим гул етим, оталик етим шўр етим, деган нақл қадимдан қолган. Ёзиғи шум тақдирнинг ҳукмига тушган Тошгул ҳам (исмлар ўзгартирилди) онадан, ҳам отадан эрта ажралди. Бироқ кўзи ёшли, ўзи бардошли бўлгани учун эл-элат, қавму қариндош ундан меҳрини дариғ тутмади. Хайриятки, Тошгулнинг болалиги устоз шоир Ғофур Ғулом ёзганидек, кўпам аянч ва саргардонлик кўчасидан ўтмади. Ва лекин етим қиз йиғлаганда тонгнинг қандай отишини бошидан ўтказган билади. Хуллас, Тошгул тош бетида ўсган гул сингари митти нимжонгина эмас, дуркунгина, кўрган кўз қувонадиган бўлиб ўсди. Аслида эса ўн саккизга кирган қизнинг хунуги бўлмайди, дейишади. Балоғат ёшини бўйлаган қиз ўтган кўчаларда муаттар ҳид таралганда сезгиси ўлмаган ёш-қари "бай-бай"лаб қолиши ҳам бор гап. Тошгул шунча йигит орасида Достонга кўнгил қўйгани эса рост гап. Ўша кеча Анди қишлоғида ширингина никоҳ оқшоми бўлиб ўтганидан кўпчиликнинг хабари бор...

II. БЕКАЛИК БАХТИ

Оғир кунлар изидан фароғат ҳам етмоғи тайин. Улар қовушмоқ бахтидан сармаст эдилар. Асал ойи ҳам ёз кечасидай бир тутамгина бўлиб тез ўтди. Бундан кейинги орзулар эса ҳамманинг бошида бор. Фарзанд кўрмоқ орзуси ҳаммасидан мўътабар саналади. Бу туйғу эркак-аёлга Одам атодан мерос. Муқаддас китобларда айтилишича, Танғрининг ўз бандаларига буюргани ҳам — шу. Бу оилани Яратганнинг ўзи қўллади. Кўпам куттирмади. Бирин-кетин туғилган уч фарзанд ойланинг ушалган армони бўлиб, эру хотиннинг ҳар дақиқа умрини маъно ва мазмунга тўлдирди. Емай-едирмоқ, киймай-кийдирмоқ, ҳатто зарур пайтда жисму жоннигни ҳадя этмоқ азоби — гўдакнинг қиқир-қиқир кулгуси олдида, атак-чечак қилиб йўлга тушганини кўришинг ҳамон ёлғончи тушдай бир зумда хаёлингдан кетади. Хуллас, Тошгул бекамгина бекалик бахтига эришиб улгурганди...

III. ДАРЧАДАН ҒАРКЎЗ ҚАРАДИ

Эру хотин қўш хўкиз дейдилар. Достон ўзини ўққа-чўққа уриб топган-тутганини рўзғорга ташир, Тошгул эса бор-йўққа қаноат қилиб, болаларини оқ ювиб, оқ тараштан чарчамас эди. Бола-чақа ташвиши Достонни иложи борича кўп ишлаб, кўпроқ топишга ундамоқда эди. Шу сабабдан у иш қидириб, бошқа жойларга кетиб қолар, қўлига беш-тўрт сўм тушган ҳамон уйи томон чопарди. Ўшанда Достон каттароқ иш топиб, узоқроқ қолиб кетди. Бу орада Жамол деган қариндоши ҳол сўраган бўлиб кирди. Аёл аввалига унинг нияти бузуқлигини сезмади. Рўзғорига етишмай турган ул-бул нарсани олиб беришни ваъда қилаётганини эса ўзича меҳр-мурувватга йўйди. Иккинчи марта келганида эса ҳирс билан тикилиб, унга ташланди. Минг баҳонаю, алдов билан хира пашшадай суйкалиб, алламаҳалгача кетмади. Бу ҳақда бировга билдириш ҳам осон эмасди. Ҳар ким ҳар хил тушунади. Айниқса, эрининг бу ҳолдан хабардор қилай деса, жаҳл устида ақлидан воз кечиб қўйишини ўйлаб тилини тишлади. Лаънати миш-мишнинг қанотлари жуда бақувват. Қишлоққа шивир-шивир гап оралади: "Фалончи фалончининг хотинини бошига борибди". Бу гап Достоннинг қулоғига етди. Бундай маломат тошига чидаб берадиган йигитни ҳали онаси туғмаган бўлса керак.

IV. МЕНИНГ РАШКИМ БАЛОДУР...

Ўз аҳли аёлини бегона номаҳрамдан қизғониш баъзи бировлар истамаса ҳам аён ҳақиқат. Нохуш хабар Достоннинг қулоғига қўрғошиндай ўрнашиб, аъзойи баданини ток ургандай зирқиратиб юборди. Аввалига хотинини қийин-қистовга олди. Бечора Тошгул заҳарзаққум ютгандай қийнала-қийнала бўлган воқеани гапириб берди. Энди унинг излагани ҳам, кўзлагани ҳам Жамол бўлди. Жамол эса "ўламан саттор, бу гап туҳмат" дея бўйнига олмади. Масалани очиқойдин қилмоқ учун Достон Жамолни участка вакили хонаси томон судради. Жамол тихирлик қила бошлади. Ўртада жанжал кўтарилди. Рақиб ўзини ўнглаб ҳимоя қилишга улгурмади. Ғазаб ва интиқом гирдобига тушиб қолган Достоннинг пичоғи Жамолнинг уч-тўрт жойини тилиб юборди. Унинг отаси ҳай-ҳайлаб етиб келганда, Достон унинг пешонасини ҳам тош билан уриб ёрди. Ота-бола қонга беланиб касалхонага тушди. Достонни эса милиция ходимлари олиб кетишди. Бу можародан баттар эзилган Тошгул кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Уч боласи эса чирқиллаб қолди. Хайриятки, Жамолнинг жароҳати ҳаялламай битиб кетди. Отасиники эса бирмунча оғирроқ бўлиб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст гуруҳига кириши аниқланди. Жиноятга эса жазо муқаррар.

Суд айбланувчининг муштипар аёлининг касалмандлигини, 3 нафар фарзанди боқувчисиз қолганини ҳамда пушаймонлигини инобатга олиб, шартли ҳукм қилиб 1 йил синов муддати белгиланди. Етказилган зарар тўлиқ давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Суд ҳукми қатъий, бироқ бундай машмашона можарога сиз нима дейсиз, азиз газетхон?..

Дилбар МУРОДОВА,
ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tilsimli dunyo

ЎЛИБ ТИРИЛГАН ҚАМПИР

У энди аниқ билади: ўлимдан кейин ҳаёт бор. Бўлганда ҳам жуда қизиқарли. Анна Павловна Самаринанинг нафақага чиққанига анча вақт бўлган. Сўнгги вақтларда кампирнинг тоби тез-тез қочадиган бўлиб қолди. Буни у қаричиликка йўйди. Тўғриси ҳам шу-да. Тўқсон бирга кирган кампирнинг бу ҳаётдан яна қандай умиди бўлсин, ёшлигида ўйнаганча-ўйнаб олди, еганини еди, кийганини кийди.

Тўрт йилдирки, у тўшакка михланган. Чап томони умуман ишламайди. Кунлардан бир кун кечга бориб, кампирнинг умуман тоби қочиб қолди. Унинг ранги кўкариб, нурсиз кўзлари оҳиста юмилди. Ёнида ўтирган қизининг эси чиқиб кетди: онасининг озғин қўлларини ушлаб кўрганида томирлари умуман урмасди. Оҳиста бошини онасининг кўксига қўйди: юрак уриши тўхтаган эди.

Эси чиқиб кетган Марина қўшниларининг уйига югурди.

— Одамлар, ёрдам беринг, онам ўляпти, – жони бўғзига тиқилиб чинқирарди у.

Бир зумда деярли барча қўшнилар югуриб чиқишди. Қария кампирлар ҳам Анна Павловнани ҳақиқатдан ҳам, вафот этганини тасдиқлаб, "бечора, ниҳоятда оқ кўнгил аёл эди. Жойи жаннатда бўлсин", дея дуо қилишди. Сўнгра узоқ-яқиндаги танишбилишларга, қариндош-уруғларга хабар жўнатишди. Ҳатто шу орада кимдир кампирнинг Ростов шаҳридаги ўғлига телеграмма юборишга ҳам улгурди.

Мария қўшни аёллар билан ярим тунга қадар онаси Анна Павловнанинг ёнида ўтириб чиқди. Йиғлайвериб кўзларида ёш қолмади. Шу орада қўшни қария чол тобутни ҳам ясашга улгурди. Бу ёғочларни қарийб тўрт йил аввал Анна Павловнанинг ўзи ўлимлигига буюриши учун узоқ ўрмондан ташиб келтирган эди.

Ниҳоят, тун ярмидан оғганда Мария қўшниларини уйига бирма-бир жўнатди-ю, ўзи онасининг олдида ёлғиз қолди. Тонгга яқин уни қаттиқ уйқу босди. Мудрай бошлади. Ҳар хил қўркинчли нарсалар кўзига кўрина бошлади. Нима бўлди-ю, мудроқ кўзлари бирдан катта-катта очилиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, унинг рўпарасида онаси ўтирган кўйи кулимсираб турарди. Унинг эси чиқиб кетди. Марҳуманинг биринчи айтган гапи шу бўлди:

— Қизим, қорним очиб кетди. Менга тезроқ нон билан туз келтир. Сув олишни ҳам унутма.

Эс-ҳуши ўзида йўқ Мария ўрнидан турди-ю, ошхона томон юрди. Бир зумда онаси айтганларини барчасини муҳайё қилди. Онаси кавшанаётганда эс-ҳуши ўзига келдию, кампирни қучоқлаганича шодлигидан яна ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

Эртаси куни эрталаб бу хушхабар яшин тезлигида бутун қишлоққа ёйилди. Самариналар хонадони одамларга тўлиб кетди. Барча ўлиб-тирилган кампирни ўз кўзи билан кўришга шошиларди. Анна Павловна эса ўзида йўқ шод, катта кароватда бемалол ястаниб ётарди. Қизиқсиниб сўраганларга "у дунёда" кўрганларини бамайлихотирлик билан сўзлаб берарди.

— Мен қандайдир юк поездида кетардим. У жуда эски ва ниҳоятда совуқ эди. Мен эса қаерга кетаётганимни аниқ билардим. Ўша ўзим туғилиб, ўсган Бельгород вилоятининг Ездочная қишлоғига, — дея шошилмай ҳикоясини давом эттирарди Анна Павловна. — Деярли йўлнинг ярмини поезд ниҳоятда шитоб билан ўтади. Шунда бирдан миямга бир фикр урилди: қаерга кетаяпман, нимага, Самарадаги уйимни кимга қолдираман? Поезд эса олдинга интилади. Миямда бир ўй: тезроқ поезддан сакраш керак.

Ниҳоят, кампир бир қарорга келди. Катта тезликда кетаётган поезддан кўзини чирт юмди-ю, ерга сакради. Қоқилиб-суқилиб ортига — ўзининг Самара шаҳридаги Ишчилар кўчасидаги уйига югурди. Шу ерга келганда кампирнинг кўзи очилди-ю, даст туриб ўтириб олди.

— Эшитдингларми? — дейди қувноқлик билан қизи Мария ва гапида давом этади, — Энг муҳими, поезддан вақтида сакраш...

Ҳадемай Анна Павловнанинг туғилган куни бўлади. Бу кунни у ўзини иккинчи бор ҳаётга келаётганидек, нишонлашга аҳд қилиб қўйган. Жажжи набиралари эса "ўлиб-тирилган" бувижонларига ўзлари пиширган хуштаъм сомсаларни совға қилишмоқчи.

Mushohada

ТАРБИЯ ВА БУРЧ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шундан сўнг текширишлар натижасида аниқландики, Шерзод ва Рихсибой кечаси билан дайдиб юришган. Гарчанд бирон жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланиб оиласи ва жамиятга фойда келтиришга лаёқатига эга бўлса-да, бу ҳақда на уларнинг ўзлари, на ота-оналари бирон марта бош қотириб кўришмаган. Кўча безори бўлиб юриш ўзларига хуш ёққан, эндигина мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўйган ёшлар пул топишнинг ўғирлик йўлини танлашган.

Судда судланувчи Ш.Тожибоев ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, тунлари дайдиб юрган кунларининг бирида шериги Рихсибой билан вояга етмаган ўсмирлар Мурод ва Расулларни йўлдан уриб хиёбонга келганини, сўнг "Теннис корти"даги ёритгичларнинг болтларини ечиб, пастда турган шерикларига узатганини, энди учинчи ёритгични олаётганида, милиция ходимлари келиб, уларни ушлаб олганини баён қилди.

— Нега ҳали вояга етмаган ўсмирларни ўғирликка шерик қилдингиз? — деб сўради судья жиноятчи Ш.Тожибоевдан.

— Уларнинг ўзи ёритгичларни ўғирлашга ёрдам берсак, деб айтишди, – дея жавоб берди у.

Улар ушбу жиноятни содир этиш учун бир ҳафта давомида ҳар оқшом ярим тунгача киёбонда изғиб юришган. Тунда бу ерда кимлар қолади, қоровуллар қайси вақтда атрофни кўздан кечиришади-ю, қайси вақтда хоналарига кириб кетишади, барисини обдон ўрганишган. Асли гап шундаки, ўғирликка қўл урган бу ёшларнинг отаонаси тақдирига бефарқ қарагани кишини хавотирга солади.

Одатда, бир маҳаллада яшайдиган қўни-қўшни кўчасидаги ҳар бир кишининг юриштуришидан огоҳ бўлади. Аммо ушбу маскандаги бирон-бир киши бу ёшларга токи жиноят кўчасига кириб қолгунга қадар тузук-қуруқ эътибор бермаган. Ҳатто вояга етмаган икки ўсмир таҳсил олаётган билим даргоҳларининг мутасаддилари ҳам уларнинг тақдирларига панжа орасидан қарашган, дейишга ҳақлимиз.

Натижада ҳали мустақил ҳаётнинг илк поғоналарида турган ёшларнинг умр йўлларига қора доғ тушди.

Иккинчи воқеа. Алишер Расулов ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай жиноят йўлига кириб қолди. У 2004 йилнинг 6 январидан 7 январига ўтар кечаси тахминан соат 3:30 ларда ўзганинг молини талон-тарож қилиш мақсадида Яккасарой тумани Усмон Носир номидаги кўчада жойлашган "Сканет" интернет клубида М.Мирпўлатовга тегишли, нархи 230.000 сўмлик "Моторолла Т-190" русумли уяли алоқа воситасини ўғирлаб, ширириниб юрган.

Асли воқеа шундай кечган. Икки йигит – жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам бир-бирлари билан ярим тунда бинго ўйингоҳларида танишиб, бир неча кун тонг отгунча гоҳ Зарафшон ресторани атрофида, гоҳ шаҳарнинг бошқа гўшаларида дайдиб юришган. Ахийри, саёқ юрган икки ёш таёқ еди, бири иккинчисининг қимматбаҳо буюмини ўғирлаб сотиб юборди. Демак, уларнинг бири бундай ўринсиз ҳаракат туфайли катта иқтисодий ва маънавий зарар кўрган бўлса, иккинчиси жиноятчига айланди.

Бу воқеани ҳам ҳикоя қиларканмиз, яна ўша юқоридаги саволлар дилимизни ўртайди: нега бу икки ёшнинг кечалари тонггача дайдиб юришларига ота-оналари, маҳалла-кўй бепарволик билан қарашди?

Улуғ мақсадлар ва фаровон турмуш тарзи, ҳар томонлама камол топган янги авлодни тарбиялаш учун енг шимарган ҳозирги кунда ҳар биримиз, ватанимиз ривожи учун нималар қиляпмиз, деб ўз-ўзимизга савол бериб кўрдикми? Зеро, фарзандлар тарбиясига, уларнинг келажагига куйиниш, уларга ҳар жабҳада ўрнак бўлиш ҳар бир фуқаронинг олий бурчи эканлигини унутмаслигимиз жоиз. Юртимизни ҳар томонлама ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳада бирон ютуқларга эришиши сиз ва бизга боғлиқдир.

Шохруҳ НЕРЗИҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос



Mitti maslahat

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

Мамлакатимизда амалда бўлган қонунлар бўйича туғилишни қайд этиш дафтарида ота-онанинг кўрсатилиши юридик далил ҳисобланса-да, бу далил мутлоқ эмас. Яъни унга нисбатан суд тартибида, тегишли далолатнома ёзувлари амалга оширилгач, исталган пайтда эътироз билдирилиши мумкин.

Қуйидагилар бундай эътироз билдириш ҳуқуқига эга:

1. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахслар;

2. Боланинг ҳақиқий отаси ёки онаси;

3. Боланинг ўзи, у 18 ёшга тўлгач;

4. Боланинг васийси (ҳомийси);

5. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ота ёки онанинг васийси.

Шуни инобатга олган ҳолда, отаси фалон шахс деб қайд қилинган болага нисбатан оталикни аниқлаш тўғрисидаги даъво кўриб чиқилаётганда, суд ўша шахсни, албатта, ишга жалб қилиши шарт. Нега деганда, аризада баён этилган талаблар қондирилган тақдирда боланинг отаси ҳақидаги аввалги ёзувлар бекор қилинади.

Агар манфаатдор шахслар ўртасида (масалан, боланинг онаси, боланинг отаси деб ёзилган шахс ва боланинг ҳақиқий отаси ўртасида) бу масала юзасидан низо чиқмаса, суд боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлардан унинг отаси ҳақидаги илгариги ёзувни бекор қилиш ва янги маълумотларни (яъни, бошқа шахснинг оталиги аниқланганлиги борасида) киритиш ҳақидаги талабни ҳам кўриб чиқади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, оталик ҳақидаги ёзувга эътироз билдириш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда, суд боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқини ҳисобга олиши керак. Чунки Оила Кодексининг 68-моддасида, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, бола ўз фикрини ифода қилиш, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин оталиги ариза бўйича ёки суд тартибида аниқланган шахс оталик тўғрисида суд орқали эътироз билдирган тақдирда, агар суд туғилганлик тўғрисидаги ёзувни тузиш вақтида шахс болага формал равишда "оталикка" розилик берганлигини аниқласа, эътироз билдириш тўғрисидаги талаб суд томонидан қондирилиши мумкин эмас.

Оила Кодексида боланинг отаси (онаси) тўғрисидаги ёзувга суд орқали эътироз билдириш ҳуқуқини аниқ бир муддат билан чеклаб қўйилмаган. Мазкур кодекснинг 63-моддасига кўра, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан 1 (бир) йил давомида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, 1 (бир) йиллик муддат мазкур шахс 18 ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, оталик (оналик) тўғрисида эътироз билдириш қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Мураккаб хаётимизда онда-сонда бўлса-да, учрайдиган оталик ёки оналикка доир низоли масалалар одил судловимиз томонидан кўриб чиқилиб, адолатли ҳал қилиниши мумкин.

ТЕЖАМКОР ҲУКМДОР

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, машҳур кишиларнинг кўпчиликка ноаён бўлган маиший ҳаёти ҳам сирли ва қизиқарли тарзда кечган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Наполеон ҳар кун эрталабки нонуштада қовурилган жўжа танаввул қилишни хуш кўрган. Бироқ унинг нонушта қилиш вақти аниқ бир пайтга мўлжалланмагани боис ошпазларга осон тутиб бўлмаган. Айтайлик, Наполеон соат 8,9 ва 11 да эрталабки нонуштани талаб қилиб қолиши мумкин эди. Энг асосийси, у қачон нонушта талаб қилишидан қатъий назар, ҳамма вақт ҳозиргина қовурилган жўжа дастурхонга тортилиши шарт эди. Ошпазлар ана шу вазифани ҳамма вақт муваффақият билан уддалаб келишарди.

Кунларнинг бирида, Наполеон ўзининг генераллари билан бирга нонушта қилаётган маҳал ошпазнинг ўз вазифасини аъло даражада бажаришини мамнунлик билан гапириб қоладди. "Ҳа, у ҳақиқий сеҳргарнинг ўзи, — дейди генерал ҳам Наполеоннинг сўзларини маъқуллаган куйи. — Ахир, қаранг, дастурхонга тортилган жўжа ҳозиргина қовурилган. Агар бир дақиқа ушлаб турса, у ўзининг таъмини йўқотиб, қотиб қоладди".

Аслини айтганда, Наполеон бу ҳақда ҳеч қачон тузук-қуруқ ўйлаб кўрмаган эди. Шунинг учун ҳамсуҳбатининг сўзлари уни ҳайратга солиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, ошпаз қандай қилиб у истаган пайтда янги қовурилган жўжани дастурхонга тортишга муваффақ бўлмоқда?

— Буни қандай уддалаяпсан? — деб сўради Наполеон ошпазидан, — ҳамиша дастурхонга ҳозиргина қовурилган жўжани келтиришинг сири нимада?

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, ҳазрати олийлари, — деди ошпаз. — Мен ҳар куни 10 та жўжани қовуришга тайёрлаб қўяман. Соат 8 га етганда эса ҳар йигирма дақиқада биттадан жўжани қовура бошлайман. Ана шу ўнта жўжани қовуриш оралиғида сиз нонушта сўраб қоласиз. Натижада янги қовурилган жўжа дастурхонга тортилади. Бунинг борйўқ сири шундан иборат.

Тўғрисини айтганда, Наполеон ошпазнинг сири шундан иборат эканини кутмаган эди. Шу боис у ўйланиб қолди. Гап шундаки, унга нонушта тайёрлаш ўн баробар қимматга тушар экан. Наполеон эса табиатан анча зиқна киши эди. Мисол учун у саройда ўзи учун қаҳва тайёрлаш бир йилда 55.000 франкка тушишини эшитиб, қаттиқ асабийлашган. Кейин эса бу ҳолатга жиддий ислоҳ киритган ва натижада биргина қаҳвадан 35.000 франк тежаб қолинган эди.

Ўз навбатида ошпаздан жўжани қовуриш сирини билиб олгач, Наполеон шу заҳотиёқ унга шундай буйруқ берди: эрталабки нонуштага битта жўжа қовурилсин ва ҳатто, агар император кечикиб қолса ҳам, совуқ ҳолда дастурхонга тортилсин!

Хориж матбуоти материаллари асосида Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ тайёрлади.

Гурлан туманидаги Қ.Ўрозметов номидаги 11-ўрта мактаб томонидан 1994 йил 16 июнда Атаджонов Ҳамид Сапарбоевичга берилган А-365222-сонли ўрта мактабни битиргани тўғрисидаги аттестат йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Jinoyatga jazo muqarrar

ҚИСМАТ ЎЙИНИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Абдулла бозордан тушга яқин, янаям аниқроқ айтганда, соат ўн бирлар чамасида қайтди. Ҳовлида синглиси Райҳонадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Ойим маҳалла қўмитасига кетди, – деди сингил унинг сўровига жавобан.

Ҳаётда ҳар бир сингил ўз туғишган акаси билан фахрланади, уни ўзига тоғдек суянчиқ деб билади. Райҳона ҳам акасига Абдуллага ана шундай меҳри тобланиб қарарди. Бироқ қаттол аканинг кўнглида ўзга бир ғаразли ўй бош кўтариб келарди. Бунинг устига у ана шу қабиҳ ниятини амалга оширишнинг айни фурсати эканини билиб турарди. Кўп ўтмай у ёвузлик томон биринчи қадамини ташлади: синглисининг бошига темир бўлаги билан урди. Кутилмаган зарбадан навниҳол қиз бирдан ҳушини йўқотиб юztубан йиқилди. Баттар ваҳшийлашиб кетган ака бу билан чекланмай унинг бўйнига сиртмоқ солиб бўғди...

Орадан икки соатча вақт ўтгач, Ҳуринисо опа уйга қайтди. Ҳовлида Абдулланинг бир ўзи эканини кўриб, у қизи Райҳонани сўради.

— Райҳонами? – онасининг саволига безрайганча жавоб берди у, — дугоналариникига чиқиб кетганди. Қолган қизларингиз мактабдан қайтиб келганича йўқ.

Она шошаётганди, шу боис у ўғли билан кўп гаплашиб ўтирмади.

— Унда мен Маҳмуд акангнинг хотини билан йиғилишга бориб келаман, – деди у, — сингилларинг мактабдан келса, кечки овқатга ўннайверишсин...

Кенг ҳовлида яна унинг ёлғиз ўзи қолди. Аслини айтганда, унинг юрагини ана шу ҳовлига ёлғиз ўзи эга бўлиш фикри кемирар эди. Қотилликка ҳам шу қабиҳ нияти йўлида қўл урган эди. У шундай ўйни хаёлидан ўтказаётганда, кўча эшиги очилиб, Зулхуморнинг кичкина гавдаси кўринди. Абдулланинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам бўлганида бу қизнинг ожизгина жуссасига кўзи тушиб, кўнглида раҳм-шафқат уйғонар эди. Лекин Абдулланинг юраги аллақачон тошга айланган, дийдаси қотиб кетганди.

— Ойим тайинлаб кетдилар, – деди ака кенжа синглисига, — сен холамникига бориб чиғириқ олиб келарксан.

Кейин у Зулхуморнинг қўлига юз сўм пул тутқазиб, кўчагача кузатиб қўйди. Соат учга етганда, Роҳила мактабдан қайтиб келди. Абдулла уни ўзини эътиборсиз тутгандек кутиб олди. Фақат у тамаддди қилаётган пайт гап қотди:

— Сен омборхонадаги чириган меваларни териб ташларксан. Ойим тайинлаб кетдилар... – деди у.

Шундан сўнг ака-сингил мевалар сақланадиган қоронғу омборхонага киришди.

Роҳила энгашиб чириган олмаларни бир жойга тера бошлади. Шу пайт жоҳил ака қўлидаги темир бўлаги билан унинг бошига зарб билан туширди. Қизалоқ беҳуш йиқилди. Қотил эса қўллари билан қизчанинг нозик бўйнидан бўға бошлади...

* * *

Қиш кунлари бир тутам бўлади, Ҳуринисо опа уйига қайтганида, қоронғу тушиб қолганди.

Остонада уни ўғли қарши олди:

— Райҳона ҳалигача қайтиб келгани йўқ, — деди у онасининг хавотир олаётганига жавобан.

— Қизи тушмагурлар-эй, — дея она кўйинган бўлди, — кечки овқатга ақалли пиёз тозалаб қўйишмабди-я...

У меҳробдан томат ва қуритилган кўк олмоқчи эди. Дафъатан қаттиқ зарбадан онанинг боши чайқалиб, кўз олдини бирдан туман қоплади. Бу зарба яна такрорланди. Кейин қандайдир ёвуз куч онанинг бўйнидан маҳкам бўға бошлади. Аёл халос бўлишга ҳар қанча уринмасин, барибир ажал уни ўз комига тортиб кетди...

* * *

Зулфия оилада учинчи қиз эди. Айни пайтда у уйда йўқ, Ғозовон қишлоғидаги катта отаси Эшбой бувانинг уйига меҳмонга кетганди. Уни бир ёклик қилмай туриб, бу ҳовлига эгалик қилиб бўлмасди. Қотил онасининг жасадини ичкари уйга судраб олиб кирди. Эшикларни танбалаб бекитди. Ҳовлининг барча чироқларини ўчириб, қоронғу тунда бобосининг уйига йўл олди.

У бобосининг уйига етиб келгач, ичидан ёлғон гапларни тўқиб-бичиб, синглисини олиб кетишга уринди.

— Ойим айтдилар, эртага Нанайга олма саралашга боракансизлар, — деди у.

Унинг бу ёлғон гапига нафақат синглиси, балки бутун қариндошуруғлар чиппа-чин ишонди. Аммо қизнинг оёғи ўз уйига тортмаётганди. У эринчоқлик билан иссиқ кийимларини аста-секин эгнига ила бошлади.

— Пальтомнинг тугмасини қадаб олай, — деди бир пайт қизалоқ.

— Игна билан ип уйда ҳам борку, — дея ака уни шошилтирди.

— Эҳтиёт бўлиб кетинглар, — тайинлади бобо, — Зулфия майли, яхши боргин, қизим!

Ака-сингил йўлга тушишди.

Зулмат қўйнига чўмган ҳовлининг чироқлари ёнди. Зулфия умрининг сўнгги сонияларини яшаётганини, бир неча дақиқадан сўнг ёвуз ака кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликка қўл уришини у хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг кўнглида бир дунё орзу-умиди бор эди. У уйга киргач, токчадан ип ва игнани олиб, пальтосига тугма қадай бошлади. Бироқ ўлим шарпаси унинг боши устида соя ташлаб турарди. Қотил ака ўз ниятини амалга оширгач, синглисининг нозик бармоқларини совуқда асраб келган гулли қўлқопларини қизалоқнинг оғзига тиқиб қўйди. Сўнг қотил ҳовли чеккасидаги томорқадаги лойҳандакни ковлашга тушди. Кейин лойҳандакка аввал она, кейин Зулфия, сўнгра омборхонадаги Райҳона ҳамда Роҳилаларнинг жасадлари бирин-кетин қўйилди...

Аста-секин тонг ёриша бошлади. Холасиникидан қайтган Зулхумор мактабга бориши керак эди. Бироқ уни мактабга бирга олиб борадиган опалари Роҳила, Зулфия ҳам йўқ. Бунинг устига сингилчасини эркалатиб сумкаларига дафтар-қаламларини жойлаб қўядиган Райҳона опаси ҳам ҳовлида кўринмайди. Онаси-чи?! Аксига онаси ҳам йўқ.

— Ҳаммалари Нанайга олма саралашга кетишди, — деди қизалоқнинг саволига ака, — уч-тўрт кун қолиб кетишлари мумкин. Катта отам, энамларга айтмай турарканмиз.

(Давоми кейинги сонда)

Муҳитдин ҚУТПИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5